

САДР ЗИЁ КУТУБХОНАСИ

Рўзиева Гулноза

Икромжон Ҳабибжонов

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг Фарғона минтақавий филиали

Аннотация: XX аср бошларидаги Бухоро зиёлиларининг атоқли вакилларида бири Шарифжон Мухдум Садр Зиё номи ва тўлаган ноёб қўлёзма китоблар мажмуи алоҳида ҳурмат ва диққат – эътибор билан тилга олишга лойиқдир. Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар жамғармасида сақланаётган Шарифжон Махмуд Садр Зиё шахсий кутубхонасининг қўлёзмалар тўплами бугунги кунда мазкур фондаги илмий қиммати ва ноёблик жиҳатидан бебаҳо қўлёзмаларнинг негизини ташкил этади. Шарифжон Махмуд Садр Зиё томонидан тузилган мазкур кутубхона эса Туронзамин маданиятига муҳим ҳодиса, ҳалқнинг маданий ўтмиши ва келажаги йўлида содир этилган юксак жасорат намунасидир.

Калит сўзлар: кутубхона, зиёли, қўлёзма, фонд

SADR ZIYO LIBRARY

Ruzieva Gulnoza

Ikromjon Habibjonov

Fergana regional branch of Uzbekistan State Institute of Arts and Culture

Abstract: The name of Sharifjon Mukhdum Sadr Ziyo, one of the most famous representatives of the Bukhara intelligentsia in the early twentieth century, and the unique collection of manuscripts paid for by him deserve special mention. The collection of manuscripts of Shariffjon Mahmud Sadr Ziyo's personal library, which is kept in the Manuscripts Fund of the Institute of Oriental Studies named after Abu Rayhan Beruni, today forms the basis of invaluable manuscripts in terms of scientific value and uniqueness of this fund. Founded by Sharifjon Mahmud Sadr Ziya, the library is an important event in the culture of Turanzamin, an example of high courage in the way of the cultural past and future of the people.

Keywords: library, intellectual, manuscript, fund

1920 йил охирида Туркистон АССР Халқ маорифи комиссариатига Бухорода Шарқ қўлёзмаларининг учта йирик кутубхонаси борлиги ҳақида маълумот пайда бўлди. Абдурауф Фитрат бошчилигидаги филолог-

шарқшунослардан тузилган комиссия 1921 йилнинг бошида Бухорога келади ва қуйдаги хабарни йўллайди: «Биз Бухорога келиб, ўз ишимизни бошладик. Бухорода энг машҳур, энг бой уч кутубна бор экан. Биринчиси-марҳум Қозикалон (Мулла Бурхониддин Садр қозиул кузот. Изоҳ бизники- Э.О.) нинг кутубхонаси, иккинчиси-шаҳзода Мухаммад Сиддиқхон (Бухоро амири Музаффарнинг ўғли- Э.О.) кутубхонаси, учинчиси қози Мухаммад Шариф Садр деган бир кишининг кутубхонаси».

Бизнинг замонимизгача шулардан Шарифжон Махмуд Садр Зиёга тегишли битта кутубхона мажмуигина бутун сақланиб қолган. Кутубхонанинг фонди ва қўлёзмаларининг каталоги илк бор шарқшунос олим У.Ҳамрооев томонидан 1963 йилда таҳлил қилинган [1] Мазкур олимнинг мақоласига ҳамда Садриддин Айнийнинг хотирасига суяниб (бу хотиранинг учдан бир қисми Шарифжон Зиёга бағишланган) юқорида зикр этилган улкан хуусусий китоб мажмини китобшунослик нуқтаи назаридан баҳолаш масаласига диққатимизни қаратамиз.

Эгаллаган лавозимига кўра Садр қозикалон, адабий таҳаллуси Зиё бўлган Мирза Мухдум Шарифжон махдум 1872 йили Бухорода туғилиб, шу шаҳарда вояга етган. Унинг отаси Бухоро қозикалони домулла Абдушукур Садр (1889 йилда вафот этган) таниқли илоҳиётчи олим, адабиёт билимдони, Оят таҳаллуси билан битилган адабий машқлари билан ҳам танилган киши эди.

Мухаммад Шарифжон бошланғич таълимни миллий диний мактабда, мадраса таълимини эса, отасининг руҳий ва илмий устозлиги остида олди. Илоҳиёт билан бир қаторда у мумтоз адабиёт, Туронзамин ва унга қушни ўлкалар ҳалқлари тарихи билан чуқур танишиб борди. Форс тилидан ташқари, араб ва туркий тилини мукамал билар эди. Мухаммад Шарифжон XIX асрнинг йирик олими ва маърифатчиси Аҳмад Дониш (1827-1897) билан яқин алоқада бўлган. Унинг яқин дўстлари доираси Исо махдум, Яхё Хожи, Мулла Шариф Соат, истеъдодли шоир Аҳмад Донишнинг шогирди Қори Абдулмажид Зуфунун (1903 йили вафот этган), ўз замонасининг машҳур тарихчиси Мирзо Абдулазим Сомий (1907 йили вафот этган), XIX асрнинг иккинчи ярмида кўзга кўринган шоир ва олим Мухаммад қори Раҳматулло Возеҳ (1893 йили вафот этган), Шамсиддин махдум Шоҳин (1894 йили вафот этган), Садриддин Айнийнинг мадрасадош дўсти Мухаммад Сиддиқ Ҳайрат (1902 йили вафот этган), шоир Сиддиқ Хожи Гулшаний (1910 йили вафот этган) ва бошқа кўплаб фозил кишилардан иборат эди.

XIX асрнинг 90- йиллари ўрталарида Шарифжон Махдум хонадонидан тожик ва ўзбек адабиётни мумтоз вакили бўлиб етишган Садриддин Айний яшаган эди. У ўз эсдаликларида Шарифжон Махдумнинг уйида ҳар ҳафта сешанба, чоршанба, пайшанба кунлари шоирлар, адабиёт мухлислари,

китобсеварлар, қизиқ ҳикояларни айтиб берувчи ноқиллар йиғилишарди, деб хотирлайди. «Бу одамларнинг барчаси Шарифжон Махдум мажлисларини беаган энг яхши гуллар, мен эса шу гуллар атридан баҳраманд эдим» [2], деб ёзади С.Айний. у адабиёт ва тарихнинг ҳақиқий билимдонлари фикирларига чанқоқлик билан қулоқ солар, ҳалқ зукколиги руҳини ўзга сингдирар, чин маънодаги оқиллар суҳбатидан иброт оларди.

Шарифжон Махдум хонадонидаги маънавий муҳут Садриддин Айний учун ўзга хос мактаб бўлди, шу ерда унинг адабий диди, ижодга ихлоси шакиллана бошлади. Шарифжон Махдум «Одамларга муомилада камтар, ҳеч кимга такаббур, менсимас қарашда бўлмасди». Тез-тез у мумтоз шоирлардан бирортасининг асарини ўқир экан, Садриддин ва у билан бирга истиқомат қилган Мирзо Абдулзоҳидни ўз ёнига чақириб олар, ўқиётган асарининг муҳим жойларини кўрсатар, асар нафосатидан биргаликда завқланар эди. «Баъзан, - деб ёзади Садриддин Айний, - бизларни овоз чиқари ўқишга буюрар эди. Ўқишимиздаги талаффуз хатоларимизни тузатар, бизларга ҳали тушунарсиз бўлган нарсаларни тушунтирарди... Мен унга ҳурмат билан қарардим, уни ўзимнинг биринчи маънавий устозим деб билардим».

Шарифжон Махдум Садр Зиё XIX аср охири XX аср бошларида кўзга кўринган фан ва маданият арбобларидан биргина эмас, балки катта китобсевар ҳам эди. Бир неча тарихий- маданий, тарихий- бадий асарлар унинг қаламига мансуб. Шарифжон Махдум 1910 йилдан шеърый йулда «Тазкир ул-ашъор» номли тазкира яратган. Йигрмадан ортиқ асарни ўз қўли билан хуснихатда кўчирган. Шарифжон Махдумнинг ўз сўзлари билан айтганда, унинг китобга муҳаббати чексиз бўлган. Билимнинг турли соҳаларига оид қўлёзмаларни тўплашга кучини ҳам, маблағини ҳам аямаган. «Ҳар қачон, кимда бўлмасин, яхши китоб кўрсам, уни қулга киритишга ҳаракат қилдим», деб ёзади Шарифжон Махдум. [3]. Баъзи бир китоблар унга совға қилинган. Шундай қилиб, у илимнинг муайян соҳалари бўйича ноёб ёки турли замонларнинг машҳур хаттотлари кучирган китобларнинг беқиёс хазинасини туплади. «Ҳозирги вақтда, -деб ёзади китобхонасининг каталогига кириш сўзида Шарифжон Махдум,-турли давирларда яшаган машҳур хаттотларнинг номлари номаълум бўлиб келмоқда ва уларнинг номлари унитилиб юборилмоқда. Энди бирор хаттотни биладиган ёҳид унинг хатини танийдиган ва унинг кадр-қимматига етайдиган киши қолмаяпти».

Шарифжон Махдум ўз кутубхонасининг каталогига кириш сўзида ҳар бир қўлёзманинг ҳислатлари, у ёки бу китобнинг қўлгакиритилиши тарихи, унга маълум бўлган ҳолларда қўлёзманинг котиба ҳақида катта бир ихлос ва муҳаббат билан тавсиф бериб ўтади. Кўпинча у қўлидаги китобнинг (ёки нусханинг) қанча пулга олинганини ҳам кўрсатади. Шарифжон Махдум китобга

сарифлаган маблағини тассавур қилиш учун баъзи бир китобларнинг юзлаб олтин сўмлар билангина эмас, балки минглаб олтин сумларда нархланганини кўрсатиб ўтиш kifоядир. Масалан, «Калила ва Димна»нинг қўлёзмасини учун у 15 минг олтин танга ёки 3000 рубль сарифлаган. Жомийнинг «Ҳафт авранг»и учун ҳам у 3000 рубль, «Баҳр ар-роиқ» китобининг 7 жилдлик қўлёзмаси учун эса 30 минг танга (6000 рубль) тулаган.

Шарифжон Махдум кутубхонасининг яна бир манбаи унинг ўзи томонидан ёки унинг бюртмаси билан кўчирилган китоблар бўлган шу маънода Аҳмад Донишнинг “Нодир ул- вақое” («Нодир воқиялар») асарининг кўчирилиши ҳақида Садриддин Айний эсдаликлари диққатга сазовордир. Фан ва адабиётга алоқадор кишиларга маълумки, Аҳмад Донишнинг «Нодир ул- вақое» номли йирик асари бўлган. Лекин мен билган бирор кимсалан маскур асарнинг нусхаси йуқ эди. Кейинроқ маълум бўлдики, Аҳмад Дониш шу китобининг ўз қўли билан кўчирилган нусхасини Сиддиқхон Хишматга совға қилган экан. Аҳмад Дониш асрларининг ишқибози бўлган Садр Зиё Хишмот билан яширин муносабатларга киришиб, шу китобни ундан нусха кўчириб олиш учун ундиради. “Наводир ул-вақое” ни кўчириш вазифаси ҳуснихати бор Мирзо Абдулвоҳид Мунзимга (1935 йили вафот этган) топширади. Иш якунлангач, Шарифжон Махдум китобининг нусхасини А.Дониш дасхатида кўчирилган нусха билан солиштириб чиқишда иштирок этишни Садриддин Айнидан илтимос қилади.

Садр Зиё кутубхонасни кўрган ва ундан фойдаланган Садриддин Айнийни баҳо беришча, бу мажмуада фан ва маданиятининг тиниқ ва гўзал хат билан кўчирилган энг ноёб ёдгорликлари, хатто асар муалуфларининг куллари билан кўчирилган нусхалари бор эди. «Шарифжон Махдум кутубхонаси Бухорода энг бой ва энг яхши хусусий кутубхона эди» деб ёзади Садриддин Айний. Ҳозир Шарифжон Махдум кутубхонасининг 300 га яқин, баъзан ҳар бир жилдида унлаб ноёб асарлар бўлган китоблари Ўзбекистон фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар мажмуи таркибида сақланмоқда. Кутубхананинг кичикроқ бошқа бўлаги Тожикистон Фанлар академияси Шарқшунослик бўлими ва ёзма мерос фондида турибди.

Шарифжон Махдум кутубхонасининг Ўзбекистондаги қўлёзмалари 1936 йил унинг ворисларидан сотиб олган. Шарифжон Махдум кутубхонасининг таркиби билан танишган киши, аввало, китобсеварнинг серқирра илмий қизиқиш доираси, нозик диди ҳайратга солади. Бу хислатлар китобхонларнинг мазмун ва мавзу ранг-баранглигида, фан ва маданият тарихи учун қимматли ҳамда ноёблиги ўз аксини топган.

Мазкур кутубхона қўлёзмалари орасида калом (илоҳиёт)га, фикҳ (ислом қонуншунослиги)га, таррихига, тасаввуф, табитшунослик, табиёт, фалакиёт,

риёзиёт, адабиёт, адабиёт назаряси, сарфу навх (грамматика), мантиқ, фалсафа, ахлоқ, тарих ва географияга оид китоблар бор. Бундан ташқари, турли хил луғатлар, қомуслар, маълумотнома китоблар ҳам бир талай. Бу кутубхонадан «Шарафномаи шоҳий» (Ҳофиз Таниш Бухорий асари, кўпроқ «Абдуллонома» номи билан машҳур) китоби, Давлатшоҳ Самарқандийнинг мухташам беақли «Тазкират уш-шуаро» асарининг нусхаси, XVII асрга оид «Мажмуат ур-расойили ҳукамо» илмий топлами (унинг таркибида турли мамлакатлар, ҳатто Юнонистон файласуфларининг 107 та асари жойлашган), Амир Ҳусрав Деҳлавийнинг XIV асрда кўчирилган «Хамса»си (унинг иккинчи, учунчи, тўртинчи дostonлари шоир Шамсиддин Муҳаммад Ҳофизнинг ўз қўли билан кўчирилган), Улуғбекнинг собит юлдузлар жадвали-“Зижжи Улуғбек” (“Зижжи жадиди Қўрагоний”) асари, Алишер Навоийга ёзилган мактубларнинг ноёб қўлёзма тўплами – “Мажмуаи мурасалот” (“Жўнатмалар йиғиндиси”) кабилар Ўзбекистон маънавияти хазинасининг кўрки бўлиб сақланмоқда.

Шарифжон Махмуд кутубханасининг қимматини янада оширган нарсалар ундаги китоб мажмуининг изохли каталоги ва тасвифидир. Тавсифда ҳар бир китоб алоҳида таърифланган. Бу каталог Ўзбекистон Республикаси Фанлар кадрами Абу Райхон Беруний номидаги Шаарқшунослик институти фондида 2460 рақами остида сақланмоқда. Ҳар бир қўлёзманинг муфассал палеографик, кодикологик, геральдик (дастхатшунослик), библиографик ва тарихий-маданий тасифи берилган мазкур каталог профессионал ўзига холикларига эга бўлиш билан бир қаторда, XX аср бошидаги йирик китоб мухлисининг юксак библиографик маданиятидан ҳам далолат беради. Ушбу каталогнинг ўзига хос қўлёзмаси Қўқон қўқозига настаълиқ дастхати билан ёзилган. Сарлавҳалар қизил ранг билан ажратилган. Муаллифнинг айрим изохларига қараганда, рўйхат XX асарнинг 20-йилларида тўлдирилган. “ЎзССР Фанлар академияси Шарқ қўлёзмалари тўплами” каталогига илмий тавсифлашда Шарифжон Махдумнинг мазкур рўйхати «Қўлёзмалар каталоги» деб номланган. У шунингдек, «Асоми ул-китоби китобхонаи хусусийи Шарифжон Махдум» («Шарифжон Махдумнинг шахсий кутубхонасидаги китоблар рўйхати») номи билан ҳам маълум муаллифнинг ўзи каталогга ном қўймаган, шу боис юқорида зикр этилган номларни шартли деб ҳисоблаш керак. Ўз шахсий кутубхонасидаги китоблар рўйхатининг кириш қисмида Шарифжон Махдум ўзи тўпланган адабий ва илмий асарларнинг ноёб қўлёзмалари катта илмий аҳмиятга эга экани, бу қўлёзмаларда аксариятининг номи ҳозирги авлод вакиллари томиндан унутила бошланган моҳир ҳаттотлари меҳнати мужжассамлашгани тўғрисида сўз юритади. Каталогни тузишда муаллиф муайян хронологик ёки тематик принципга риоя қилмаган. Маънавий маданият учун у ёки бу қўлёзманинг аҳамияти, унинг бадиий-эстетик фазилатлари, илмий

мазмуни, адабиёт ва фан тарида асарнинг ўрни ва аҳамияти муаллиф учун бош мезон бўлиб хизмат қилган.

Каталог Қуръони каримнинг юксак дид ва маҳорат билан безалган ва кўчирилган беш нусхасининг тавсифи билан бошланади. Қуръони каримнинг бошқа икки нусхаси тавсифи каталогнинг бошқа жойларида берилган. Фикҳ ва калом (мусулмон қонуншунослиги ва теологияси)га, суфизм ва дин тарихига, билимнинг турли тармоқларига оид китоблар ва бадий адабиётларнинг тасифи қўлёзманинг илмий ва эстетик аҳмияти принципига асосан келтирилган.

Шарифжон Маҳдумнинг қўлёзмаларни тавсифлаш усули ҳам жуда ўзига хосдир. Тавсифларда у қўлёзма номини, муаллиф ва хаттотнинг исм-шарифини келтирадими, қоғоз нави ва у ишлаб чиқарилган жойни (Қўқон, Самарқанд, Бухоро, Ҳирот ва бошқалар) кўрсатади, муаллифнинг замондошлари, унинг яқин ва узоқ қариндошлари ҳақида қизиқарли маълумотлар келтирилади. Кўпинча китоб нархини, уни неча пулга сотиб олганини қайд этади. Алишер Навоий, Абдурахмон Жомий, Низомий, Улуғбек, Бедил, Амир Хусрав Деҳлавий, Аҳмад Дониш каби машҳур шоир ва олимларнинг асарларини тавсифлашда уларнинг ҳаёти ва ижодига оид маълумотларга батафсил тўхталади, уларнинг асарларига тасиф бериб ўтади. Масалан, Мирзо Улуғбек қаламига мансуб “Зижжи жидиди Қўрагоний” асари қўлёзмасининг ноёблиги тўғрисида сўз юритар экан, Шарифжон Маҳдум ўқувчини олим ва давлат арбобининг шахси билан таништиради, Улуғбек билан бирга расадхона қурилишида иштирок этган Қозизода Румий Ғиёсиддин Жамшид, Мавлон Али Қушчи каби олимлар ҳақида ҳикоя қилган, Улуғбекнинг юқорида зикр этилган астрономик жадвали ҳақида маълумотларини келтиради.

Фан адабиёт ва китобат маданияти намояндаларига нисбатан муҳаббат ва ҳурмат ҳисси билан суғорилган Шарифжон Маҳдум Садир Зиё каталогига биттадан – бир неча ўнтагача асарни ўз ичига олган уч юзга яқин қўлёзма ҳақида муфассал маълумот берилган. Мазкур каталогда қўлёзмаларни тавсифлаш принциплари ва тузилишини чуқур таҳлил қилиш, уни тузиш усулини “ЎзССР Фанлар академияси Шарқ қўлёзмалари тўплами” каталогига қабул қилинган қўлёзмаларни тавсифлаш усули, принциплари ва таркибий унсурларига солиштириш “ЎзССР Фанлар академияси Шарқ қўлёзмалари тўплами”нинг дастлабки беш жилдига киритилган қўлёзмалар тавсифини тузган шарқшунос А.А.Семёнов Шарифжон Маҳдумнинг қўлёзмаларини тавсифлаш усулини тўлиқ ўзлаштирган, фақат унинг унсурлари тартиби ва тузилишини бир ҳиллаштирган деб хулоса чиқариш имконини беради. Шу боис биз бугун “ЎзССР Фанлар академияси Шарқ қўлёзмалари тўплами”да қабул қилинган Шарқ қўлёзмалари тавсифини тузиш усулининг асоий ғояси,

принциплари ва методологияси ҳақли равишда Шарифжон Маҳдум Садр Зиёга тегишли деб айта оламиз.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Boltaboeva U., Sh U., Rahmonova N. CREATIVE PERSON-THE ROLE OF LIVE WORD IN EDUCATING AN ACTOR //European Journal of Arts. – 2019. – №. 3.
2. Boltaboyeva U., Rakhmonova N., Usmonov S. Characteristics of speech Art: problems and solutions //ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal. – 2020. – Т. 10. – №. 4. – С. 559-567.
3. Болтабоева У. Нутқ санъатининг ўзига хос хусусиятлари: муаммо ва ечимлар //Oriental Art and Culture. – 2020. – №. I (2).
4. Boltaboeva U. Using Oral Folk Art Methods in Improving Speech Technology //Eastern European Scientific Journal. – 2019. – №. 1.
5. Akbarova M., Tursunova G., Abdunazarov Z. Section 3. Theater art //European Journal of Arts. – С. 125.
6. Усмонов Ш. САҲНАДА ТАШҚИ ҚИЁФАГА АКТЁРНИНГ МУНОСАБАТИ //Oriental Art and Culture. – 2020. – №. II.
7. Усмонов Ш. Илм даргоҳига бир назар //Oriental Art and Culture. – 2019. – №. IV (1).
8. Умарова Ҳ., Усмонов Ш. Санъатга бағишланган умр //Oriental Art and Culture. – 2019. – №. IV (1).
9. Dehqonov R., Tursunova G., Abdunazarov Z. Pedagogical approaches to the formation of musical literacy of students in the sytem of higher education //ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal. – 2020. – Т. 10. – №. 3. – С. 91-95.
10. Tursunova G., Karimov B. PEARLS OF UZBEK NATIONAL DANCE //International Engineering Journal For Research & Development. – 2020. – Т. 5. – №. Conference. – С. 4-4.
11. Абдуназаров З. МИЛЛИЙ ЎЙИНЛАРИМИЗ ИШТИРОКИДА ЁШ АКТЁРЛАРНИ ТАСАВВУРИ ВА ДИҚҚАТИНИ ЧАРХЛАШ //Oriental Art and Culture. – 2020. – №. III.
12. Абдуназаров З. ТИМСОЛЛАР СИЙМОСИНИ ЯРАТИШ //Oriental Art and Culture. – 2020. – №. III.
13. Yuldasheva S., Madumarova M. TASKS AND CONTENT OF BIBLIOGRAPHIC WORKS //European Journal of Arts. – 2020. – №. 1. – С. 148-152.
14. Юлдашева С. Китоб-кўнгил чироғи //Oriental Art and Culture. – 2020. – №. I (2).

15. Юлдашева С. Китоб мутолаасини шакиллантиришда кутубхоначилик фаолияти //Oriental Art and Culture. – 2019. – №. IV (1).
16. Yunusov G., Juraev I., Ahmedov R. A LOOK AT THE REGIONAL SEASONAL FOLKLORE AND THEIR ORIGIN. THE ROLE AND IMPORTANCE OF FOLKLORE IN THE DEVELOPMENT OF DANCE ART //European Journal of Arts. – 2020. – №. 1. – С. 121-124.
17. Yunusov G. X., Juraev I., Ahmedov R. The European Journal of Arts, Issue 1/2020.
18. Talaboev A., Akbarov T., Haydarov A. The European Journal of Arts, Issue 1/2020.
19. Аҳмедов Р. Миллий муסיкий ижрочилик санъатига бир назар //Oriental Art and Culture. – 2020. – №. I (2).
20. Юлдашев К., Эгамбердиев Х. Режиссура: кеча ва бугун //Oriental Art and Culture. – 2019. – №. IV (1).
21. Талабоев А. Мақом санъатида сўзнинг ўрни //Oriental Art and Culture. – 2019. – №. IV (1).
22. Haydarov A. QOSHIQLAR ORQALI O'QUVCHILARDA VATANPARVARLIK TUYGUSINI SHAKLLANTIRISH //Oriental Art and Culture. – 2020. – №. IV.
23. Акбаров Т. ФОЛЬКЛОР ВА АНЪАНАВИЙ МУСИҚА МАСАЛАЛАРИ //Oriental Art and Culture. – 2020. – №. IV
24. Омоновна Х. С. ТАРИХИЙ ҚЎЛЁЗМА МАНБАЛАРНИ КОНСЕРВАЦИЯ-РЕСТАВРАЦИЯ ҚИЛИШ ЖАРАЁНЛАРИ ХУСУСИДА //Oriental Art and Culture. – 2020. – №. V.
25. Ўғли Х. И. Т. ТИЛШУНОСЛИҚДА СОЛИҚ-БОЖХОНА ТЕРМИНОЛОГИЯСИНИНГ ТАДҚИҚИ //Oriental Art and Culture. – 2020. – №. V.
26. Ўғли Х. И. Т. ЎЗБЕК СОЛИҚ ТЕРМИНЛАРИНИНГ АФФИКСАЦИЯ УСУЛИ БИЛАН ЯСАЛИШИ //Oriental Art and Culture. – 2020. – №. V.
27. Мирзаева Н., Асқарова М. ЧЎЛПОН ИЖОДИДА МИЛЛИЙ УЙЎНИШ ҲАРАКАТИ //Oriental Art and Culture. – 2020. – №. V.
28. Турсунов Б. ЧОЛҒУ ИЖРОЧИЛИГИ ТАРИХИГА БИР НАЗАР //Oriental Art and Culture. – 2020. – №. V.
29. Shermatova X. MUSIQA NAZARIYASINING O'ZIGA XOS XUSUSIYATLARI //Oriental Art and Culture. – 2020. – №. V.
30. Ғофурова Б. АКТЁРНИНГ НУТҚИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШДА ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ //Oriental Art and Culture. – 2020. – №. V.

31. Пўлатов Р. «МИРЗО УЛУҒБЕК» ТРАГЕДИЯСИНИНГ ЯРАТИЛИШИ ТАРИХИ //Oriental Art and Culture. – 2020. – №. V.
32. Qurbonova M. CHET EL MUSIQASI TARIXIGA BIR NAZAR //Oriental Art and Culture. – 2020. – №. V.
33. Маматқулов Б. ТЕАТРДА САҲНАЛАШТИРУВЧИ РАССОМНИНГ КАСБ СИРЛАРИ //Oriental Art and Culture. – 2020. – №. V.
34. Ismoilova M. CHOLG'U IJROCHILIGIDA NOTAGA QARAB IJRO QILISH //Oriental Art and Culture. – 2020. – №. V.
35. O'Taganov R. J. TA'LIM USLUBINING ASOSIY AFZALLIKLARI //Oriental Art and Culture. – 2020. – №. V.
36. Mamatov J. BARKAMOL AVLODNI TARBIYALASHDA ERTAKLARNING AHAMIVATI //Oriental Art and Culture. – 2020. – №. V.
37. Haydarov A. QOSHIQLAR ORQALI O'QUVCHILARDA VATANPARVARLIK TUYGUSINI SHAKLLANTIRISH //Oriental Art and Culture. – 2020. – №. IV.
38. Акбаров Т. ФОЛЬКЛОР ВА АНЪАНАВИЙ МУСИҚА МАСАЛАЛАРИ //Oriental Art and Culture. – 2020. – №. IV.
39. Асқарова М. ЎЗБЕК АДАБИЙ ТАНҚИДИ ТАРАҚҚИЁТИ //Oriental Art and Culture. – 2020. – №. V.
40. Turgunbaev R., Takada H. Co-WEB: A Peer-to-Peer Based, Partially Decentralized Framework for Collaborative Web-Content Publishing //2009 First International Conference on Advances in Future Internet. – IEEE, 2009. – С. 67-72

References

1. Boltaboeva U., Sh U., Rahmonova N. CREATIVE PERSON-THE ROLE OF LIVE WORD IN EDUCATING AN ACTOR //European Journal of Arts. – 2019. – №. 3.
2. Boltaboyeva U., Rakhmonova N., Usmonov S. Characteristics of speech Art: problems and solutions //ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal. – 2020. – Т. 10. – №. 4. – С. 559-567.
3. Болтабоева У. Нутқ санъатининг ўзига хос хусусиятлари: муаммо ва ечимлар //Oriental Art and Culture. – 2020. – №. I (2).
4. Boltaboeva U. Using Oral Folk Art Methods in Improving Speech Technology //Eastern European Scientific Journal. – 2019. – №. 1.
5. Akbarova M., Tursunova G., Abdunazarov Z. Section 3. Theater art //European Journal of Arts. – С. 125.
6. Усмонов Ш. САҲНАДА ТАШҚИ ҚИЁФАГА АКТЁРНИНГ МУНОСАБАТИ //Oriental Art and Culture. – 2020. – №. II.

7. Усмонов Ш. Илм даргоҳига бир назар //Oriental Art and Culture. – 2019. – №. IV (1).
8. Умарова Ҳ., Усмонов Ш. Санъатга бағишланган умр //Oriental Art and Culture. – 2019. – №. IV (1).
9. Dehqonov R., Tursunova G., Abdunazarov Z. Pedagogical approaches to the formation of musical literacy of students in the sytem of higher education //ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal. – 2020. – Т. 10. – №. 3. – С. 91-95.
10. Tursunova G., Karimov B. PEARLS OF UZBEK NATIONAL DANCE //International Engineering Journal For Research & Development. – 2020. – Т. 5. – №. Conference. – С. 4-4.
11. Абдуназаров З. МИЛЛИЙ ЎЙИНЛАРИМИЗ ИШТИРОКИДА ЁШ АКТЁРЛАРНИ ТАСАВВУРИ ВА ДИҚҚАТИНИ ЧАРХЛАШ //Oriental Art and Culture. – 2020. – №. III.
12. Абдуназаров З. ТИМСОЛЛАР СИЙМОСИНИ ЯРАТИШ //Oriental Art and Culture. – 2020. – №. III.
13. Yuldasheva S., Madumarova M. TASKS AND CONTENT OF BIBLIOGRAPHIC WORKS //European Journal of Arts. – 2020. – №. 1. – С. 148-152.
14. Юлдашева С. Китоб-кўнгил чироғи //Oriental Art and Culture. – 2020. – №. I (2).
15. Юлдашева С. Китоб мутолаасини шакиллантиришда кутубхоначилик фаолияти //Oriental Art and Culture. – 2019. – №. IV (1).
16. Yunusov G., Juraev I., Ahmedov R. A LOOK AT THE REGIONAL SEASONAL FOLKLORE AND THEIR ORIGIN. THE ROLE AND IMPORTANCE OF FOLKLORE IN THE DEVELOPMENT OF DANCE ART //European Journal of Arts. – 2020. – №. 1. – С. 121-124.
17. Yunusov G. X., Juraev I., Ahmedov R. The European Journal of Arts, Issue 1/2020.
18. Talaboev A., Akbarov T., Haydarov A. The European Journal of Arts, Issue 1/2020.
19. Аҳмедов Р. Миллий муסיқий ижрочилик санъатига бир назар //Oriental Art and Culture. – 2020. – №. I (2).
20. Юлдашев К., Эгамбердиев Х. Режиссура: кеча ва бугун //Oriental Art and Culture. – 2019. – №. IV (1).
21. Талабоев А. Мақом санъатида сўзнинг ўрни //Oriental Art and Culture. – 2019. – №. IV (1).

22. Haydarov A. QOSHIQLAR ORQALI O'QUVCHILARDA VATANPARVARLIK TUYGUSINI SHAKLLANTIRISH //Oriental Art and Culture. – 2020. – №. IV.

23. Акбаров Т. ФОЛЬКЛОР ВА АНЪАНАВИЙ МУСИҚА МАСАЛАЛАРИ //Oriental Art and Culture. – 2020. – №. IV

24. Омоновна Х. С. ТАРИХИЙ ҚЎЛЁЗМА МАНБАЛАРНИ КОНСЕРВАЦИЯ-РЕСТАВРАЦИЯ ҚИЛИШ ЖАРАЁНЛАРИ ХУСУСИДА //Oriental Art and Culture. – 2020. – №. V.

25. Ўғли Х. И. Т. ТИЛШУНОСЛИКДА СОЛИҚ-БОЖХОНА ТЕРМИНОЛОГИЯСИНИНГ ТАДҚИҚИ //Oriental Art and Culture. – 2020. – №. V.

26. Ўғли Х. И. Т. ЎЗБЕК СОЛИҚ ТЕРМИНЛАРИНИНГ АФФИКСАЦИЯ УСУЛИ БИЛАН ЯСАЛИШИ //Oriental Art and Culture. – 2020. – №. V.

27. Мирзаева Н., Аскарова М. ЧЎЛПОН ИЖОДИДА МИЛЛИЙ УЙҒОНИШ ХАРАКАТИ //Oriental Art and Culture. – 2020. – №. V.

28. Турсунов Б. ЧОЛҒУ ИЖРОЧИЛИГИ ТАРИХИГА БИР НАЗАР //Oriental Art and Culture. – 2020. – №. V.

29. Shermatova X. MUSIQA NAZARIYASINING O'ZIGA XOS XUSUSIYATLARI //Oriental Art and Culture. – 2020. – №. V.

30. Ғофурова Б. АКТЁРНИНГ НУТҚИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШДА ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ //Oriental Art and Culture. – 2020. – №. V.

31. Пўлатов Р. «МИРЗО УЛУҒБЕК» ТРАГЕДИЯСИНИНГ ЯРАТИЛИШИ ТАРИХИ //Oriental Art and Culture. – 2020. – №. V.

32. Qurbonova M. CHET EL MUSIQASI TARIXIGA BIR NAZAR //Oriental Art and Culture. – 2020. – №. V.

33. Маматкулов Б. ТЕАТРДА САҲНАЛАШТИРУВЧИ РАССОМНИНГ КАСБ СИРЛАРИ //Oriental Art and Culture. – 2020. – №. V.

34. Ismoilova M. CHOLG'U IJROCHILIGIDA NOTAGA QARAB IJRO QILISH //Oriental Art and Culture. – 2020. – №. V.

35. O'Taganov R. J. TA'LIM USLUBINING ASOSIY AFZALLIKLARI //Oriental Art and Culture. – 2020. – №. V.

36. Mamatov J. BARKAMOL AVLODNI TARBIYALASHDA ERTAKLARNING AHAMIVATI //Oriental Art and Culture. – 2020. – №. V.

37. Haydarov A. QOSHIQLAR ORQALI O'QUVCHILARDA VATANPARVARLIK TUYGUSINI SHAKLLANTIRISH //Oriental Art and Culture. – 2020. – №. IV.

38. Акбаров Т. ФОЛЬКЛОР ВА АНЪАНАВИЙ МУСИҚА МАСАЛАЛАРИ //Oriental Art and Culture. – 2020. – №. IV.

39. Асқарова М. ЎЗБЕК АДАБИЙ ТАНҚИДИ ТАРАҚҚИЁТИ //Oriental Art and Culture. – 2020. – №. V.

40. Turgunbaev R., Takada H. Co-WEB: A Peer-to-Peer Based, Partially Decentralized Framework for Collaborative Web-Content Publishing //2009 First International Conference on Advances in Future Internet. – IEEE, 2009. – С. 67-72